



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Дунёни тўла
англашга қурбимиз
етмайди, аммо
унинг ҳар куни
англаб етиши
мумкин бўлган
сирлари етарли.
Муҳими, иштиёқ
бўлсин

1913-yil aprel oyidan chiqqan boshlagan

zarafshonbot

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 29-aprel, payshanba, 50 (23.486)-son

«Президент ташрифидан сўнг...»

Иккита кластер вилоят иқтисодиётининг локомотиви бўлади

Давлатимиз раҳбари Самарқандга ташрифи чоғида 16 апрель куни вилоят фаоллари билан ўтказилган учрашувда берган топшириққа кўра, Бош вазир ўринбосарлари ва вазирлар жорий йилда вилоятда амалга оширилган ишлар юзасидан аҳолига мурожаат қилди.

**Сардор УМРЗОҚОВ,
Бош вазир
ўринбосари,
инвестиция ва ташқи
савдо вазири:**



- Самарқандда 462 та маҳаллада "маҳаллабай" ишни ташкил қилиш орқали ҳар бир тадбиркорнинг имконияти, ғоясини амалга ошириш, уларга давлат ва тегишли идоралар томонидан ёрдам кўрсатиш орқали 1279 та лойиҳадан иборат Самарқанд вилояти ҳудудий инвестиция дастури шакллантирилди. Бу дастурни амалга ошириш орқали 25 минг 800 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Барча лойиҳаларни таҳлил қиладиган бўлсак, асосий қисми вилоят учун ўсиш нуқтаси (драйвер) бўлган 6 та асосий саноат йўналишида жойлаштирилди. Утган йили вилоятда 498 та экспортёр корхона фаолият юритди. Бу йил улар қаторига қамида яна 239 та корхона қўшилди. Бундан ташқари, вилоят-

даги экспортёрлар томонидан хорижга чиқариладиган маҳсулотлар номенклатурасида 428 турдаги маҳсулот экспорт қилинмоқда. Йил якуни билан бу рақамни 600 га етказмоқчимиз. Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида "Ургут" эркин иқтисодий зонасида 500 миллион долларлик инвестиция ҳисобига грануладан тайёр маҳсулотга бўлган жараёни қамраб оладиган кластер яратишга киришилди. Худди шундай электротехника саноатида ҳам 250 миллион доллар қўшимча маблағ йўналтирилган ҳолда яна битта алоҳида кластер тузиш бўйича топшириқ берилган. Ҳозир бу борада ҳам ишлар бошланди. Бу иккита кластер Самарқанд вилояти иқтисодиётининг локомотиви бўлади.

**Беҳзод МУСАЕВ,
Бош вазирнинг
иқтисодий
ривожлантириш
масалалари бўйича
ўринбосари:**



- Бугунги кунда вилоятда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 337 минг нафар болаларнинг 212 минг нафари, яъни 63 фоизи боғчаларга қамраб олинган. Йил якунига қадар қамровни 70 фоизгача кўтариш лозим. Бунинг учун бюджетдан 64 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди ва шунинг ҳисобига туманларда қўшимча 16 та янги, 1,5 минг ўринли боғчалар қурилади. Шунингдек, 6 та давлат-хусусий шерикчилик асосидаги, 400 та оилавий боғча фаолиятга йўлга қўйилади. Президентимиз топшириқларига асосан, мавжуд мактабгача таълим ташкилотларини инвентаризациядан ўтказдик. Натижада 35 та муассасада бўш турган, таъмирталаб 106 та хона аниқланди. Уларни шу йилнинг ўзида тайёр ҳолатга келтирсак, қўшимча 3180 нафар болани қамраб олишга имконият яратилади. 39 та мактабда 174 миллиард сўм маблағ ҳисобига янги қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Самарқанд шаҳрида 5 та, Каттақўрғон шаҳри, Ургут, Нуро-

бод туманларида 4 тадан, Паст Дарғом ва қолган туманларда қамида 2 тадан мактабда қурилиш ишлари олиб борилади. Бу йил вилоятда 21 та иқтисодлаштирилган мактаблар ташкил этилади. Мамлакатимиз раҳбари мактабларда маънавият ва маърифат йўналишини кучайтириш бўйича ҳам вазифалар берди. Бу борада вилоятдаги мавжуд 1257 та мактабда ижодий, маданий-маърифий масалалар бўйича тарғиботчи штати ташкил этилди. Самарқандда ҳозирги кунда 11 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз ташкил қилиш чоғида яна 5 та олий ўқув юрти очилиш бўйича топшириқ берди. Бугунги кунда вилоятда 6 минг ўринли 19 та талабалар тураржойи мавжуд. Бу йил яна 5 та бино қуриш ва 200 ўринли ётоқхонани реконструкция қилиш эъзозига 2350 нафар талабанинг турар жойга бўлган эҳтиёжи қондирилади. Умуман, 2021-2025 йиллар давомида вилоятда 10 минг ўринли 28 та ётоқхона қуриш режалаштирилган.



ҲОКИМ ПАХТАЧИЛИКЛАРНИ ИККИ КУН ЭШИТДИ

Жорий йилнинг 27 ва 28 апрель кунлари вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов Пахтачи туманида тадбиркорлар, ёшлар ва аёллар билан учрашувлар ҳамда кенг аҳоли қатлами учун сайёр қабул ўтказди.

Дастлаб тадбиркорлар ҳамда бундай фаолият билан шугулланиш истагида бўлган фуқаролар туман ҳокимлигида қабул қилинди. Уларни қийнаб келаётган масалалар ечими юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

27 апрель куни вилоят ҳокимлигида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг йигирма тўқтинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишини вилоят ҳокими, Кенгаш раиси Э.Турдимов олиб борди. Депутатлар дастлаб сессия кун ва иш тартибини белгилаб олдилар. Кун тартибига мувофиқ, вилоят суди раиси О.Ҳайитовнинг "Самарқанд вилояти судларининг 2021 йил биринчи чораги давомида одил судловни амалга ошириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги ахбороти тингланди. Қайд этилишича, вилоят, туман ва шаҳар жиноят ишлари бўйича судлари томонидан биринчи чорада 1239 нафар шахсга нисбатан 997 та жиноят ишлари кўриб тамомланган. Шундан 737 та иш бўйича 947 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган. Кўриб тамомланган ишларда айбланган шахсларнинг 109 нафарини аёллар (шундан 18 нафари муқаддам судланган) ҳамда 787 нафарини эркаклар (шундан 175 нафари муқаддам судланган) ташкил этади. Судланганларнинг 209 нафарига овозликдан маҳрум қилиш, 327 нафарига овозликни чеклаш, 259 нафарига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди, 93 нафар шахс суд залидан қамқовдан озод қилинган.

Вилоят суди раиси фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатларида қўрилган ишлар ҳақида ҳам депутатларга ахборот бериб уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

ДАВЛАТНИНГ ПУЛИ ҲИСОБИ

Сессия ишида Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 12 мартдаги "Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 2020 йил якуни бўйича вилоятлар бюджетларининг, шунингдек, туманлар

Шу куннинг ўзида Э.Турдимов Пахтачи тумани 1-секторидан хотин-қизлар билан учрашди. Худудда "Аёллар дафтари"га киритилганлар юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишиб, бу борада амалга оширилиши ва эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди.

28 апрель куни вилоят ҳокими дастлаб Мирзо Салимий маҳалласида ёшлар билан учрашув ўтказиб, уларнинг мурожаатларини тинглади. Учрашувда туман ёшларининг кўплаб мурожаатлари шу жойнинг ўзида хал этилди. Масалан, Қирғули маҳалласида

Муаммоларнинг ечими иқтисодий ривожланишга боғлиқ

ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан шакллантирилган маблағларнинг мақсадли ҳамда самарали сарфланишини ўрганиш натижалари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича тайёрланган ҳисобот кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокимининг иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ж.Уроқов сўзга чиқди. Қайд этилишича, вилоятимизда қўшимча манбалар ҳисобидан Бюджет кодексининг 126-моддаси талабларига зид равишда, яъни бюджетда сакланиши кўзда тутилмаган ташкилотларга 7 ҳолатда 2,5 миллиард сўм сарфланган. Хатоликларни такрорламаслик бўйича барча туман, шаҳар ҳокимликлари огоҳлантирилган.

- Бу масалада ҳукуватимиз томонидан қатъий чора-тадбирлар белгиланганини алоҳида қайд этиш ўринли, - дейди Ж.Уроқов. - Мисол учун, энди биргина хизмат автомашинаси сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар Молия вазирлигиндан рухсат олган ҳолда амалга оширилади. Қолаверса, автомашинадан қамида 5 йил давомида узлуксиз фойдаланилаётган бўлиши керак.

БЮДЖЕТНИ ТЎЛДИРАЁТГАН БЮДЖЕТЧИЛАР

Депутатлар вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи Б.Мирзаевнинг маҳаллий бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини шакллантириш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар. - Жорий йилнинг биринчи чораги-

да умумий даромадлар прогноз режаси 632,2 миллиард сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 686,6 миллиард сўмга ёки 54,4 миллиард сўм ортиғи билан бажарилди, - дейди Б.Мирзаев. - Бу табиийки, вилоят ва худудларда ички имкониятлар кенгайишига хизмат қилмоқда. Б.Мирзаев ҳисоботи давомида даромадлар базасини кенгайтириш, қўшимча захираларни аниқлаш масаласида сўз юритиб бу борадаги айрим рақамларни келтирди. Хусусан, 2020 йилда вилоят бўйича бюджетга йиллик тушумнинг 69,3 фоизи бюджетдан молиялаштирилган ташкилотлар (хукукни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва давлат улуши бор корхоналар билан бирга) ҳиссасига тўғри келган. Бюджетга тушумларнинг асосий қисми бюджет ташкилотларидан бўлаётганига 3 та ҳолат сабаб қилиб кўрсатилди. Жумладан, вилоят бўйича микрофирма ва кичик корхоналарда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони 1 нафарни ташкил этган корхоналар сони 14540 тани ташкил этмоқда. Яъни, корхона ва ташкилотлар томонидан ҳақиқатда ишлаб келаётган ходимлар сонини ҳисоботларда кўрсатмаслик ҳолатлари мавжуд.

Бундан ташқари, асосий фаолият йўналиши саноат бўлган 3 936 корхонада 2020 йилда 51 минг 920 нафар ишчи ишлатиб, уларга 348,6 миллиард сўм иш ҳақи ҳисобланган.

Аниқроғи, бир ишчига ўртача 560 минг сўм (мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан ҳам паст) бир ойлик иш ҳақи ҳисобланган. Ушбу кўрсаткич Нарпай туманида 293 минг сўм, Каттақўрғон шаҳрида 309 минг сўм, Каттақўрғон туманида 356 минг сўмни ташкил этган.

Таъкидланишича, 2020 йилда корхона ва ташкилотлар томонидан статистика ва солиқ идораларига топширилган ҳисобот кўрсаткичларидаги фарқ сабаб бюджетга 4,5 миллиард сўм даромад солиғидан йўқотишлар юзга келган.

ТАДБИРКОР ТЕКШИРИЛМАЙДИ, ТУШУНТИРИЛАДИ

Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А.Иноғомовнинг солиқ тушумларининг ўз вақтида ундирилиши, унга оид прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботида шундай фикр билдирди.

Депутатлар масала юзасидан бошқарма бошлиғига зарур тавсия ва таклифларини билдирди.

Кун тартибидagi бешинчи масала - вилоятда халқ таълими тизимида таълим сифатини ошириш ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим кўникмаларини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлари тўғрисида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зебинисо Шодиева ҳисобот берди.

Сессияда шунингдек, 2020 йил кўрсаткичлари асосида "қоникарсиз" ва "ўрта" баҳоланган шаҳар ва туманларда кўрсаткичларини ижобий натижаларга чиқаришни таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар дастурлари тасдиқланди.

Шунингдек, сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгаши ваколатига тааллуқли яна бир нечта масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Касаллик ўтган йилгидан ўзгача

Айни кунларда вилоятда коронавирус инфекциясига чалинганлар сони кундан-кунга ошиб бораётгани ҳақида хабарлар берилмоқда. Ҳўш, беморларни даволаш учун қандай чоралар кўриляпти? Бу ҳақда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Аҳмаджон Бобононов қуйидагиларни гапириб берди:

- Ўтган йилги пандемия аҳолини санитария-гигиена қоидаларига оммавий амал қилишга ўргатган бўлса, шифокорлар касалликни даволашда тажриба тўпладилар. Дунё олимлари қатори биз ҳам бир неча марта мазкур касалликнинг нечоғлик турланиши, вақт ўтиб янги қирралари намоён бўлаётганини айтганимиз. Утган йили касалликни юктириб, даволашиб чиққанларнинг орасида ханузгача у ёки бу асоратлардан даволашиб келаётганлар бор.

Ҳозирда COVID-19 га чалинганлар Самарқанд шаҳридаги Узоқ лагер деб номланган худудда барпо этилган 175 ўринли шифохонада даволанмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги касалликнинг турли даражаларида қандай даволаш бўйича тавсияларини эълон қилди. Ушбу буйруқ бўйича қатъий даволаш усуллари йўлга қўйилган. У ерда ўтган йил касаллик авж олган паллада ишлаб, сертификатга эга, ўзлари ҳам соғлом бўлган тиббиёт ходимлари

фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, айни кунларда беморлар учун 3 мингга яқин дори-дармон жамланмалари жамғарилган. Бу жамланмалар уйда даволанадиган беморларга поликлиникалар томонидан етказиб берилади. Шу жамланмаларнинг ўзи яқин 3-4 ойга етади. Яна алоҳида таъкидлашни истардимки, бу йил касаллик асосан 40 ёшгача бўлган аҳоли орасида кўпроқ учрайпти. Олдингидан ўзгача кечиб, оғир ўтаётган ҳолатлар ҳам бор. Шунинг учун ўзингизни эҳтиёт қилишингизни, қондаларга риоя қилиб, аҳоли кўп тўпланадиган жойларга иложи борица, бормасликни тавсия этамиз.

«Спутник V» нега Самарқандга келтирилмади?

Вилоятда айни кунларда 60 мингга яқин аҳоли вакцинациядан ўтди. Хабарингиз бор, юртдошларимиз Ҳиндистондан ишлаб чиқарилган "Aztar Zeneca" ва Хитой Иқтисодий-Савдо ва Саноат Министрлигининг "ZF-UZ-VAC2001" вакциналари билан эмланмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизга «Спутник V» вакцинаси келтирилгани ҳақидаги хабарлар тарқалди. Ушбу вакцинадан Самарқандга ҳам ажратиладими? - «Спутник V» вакцинасини сақлаш тартиби вилоятлардаги мавжуд шарт-шароитларга тўғри келмайди, - дейди вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси ходими Шоира Халилова. - Бугунги кунда вилоятдаги бирламчи тиббиёт муассасаларида вакцина сакловчи,

уни ташувчи сумкалар -2...8 даражадаги ҳароратни ташкил қилади. «Спутник V» вакцинаси эса -20 даража ҳароратда сақланиши керак ва унинг эриши учун ҳам маълум шароит эриши керак. Вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси омборхонасидагина бундай шароит бор. Аммо вакцина амалга оширилаётган поликлиникаларда бу каби музлаткичлар йўқ. Шунинг учун мазкур вакцина ҳозирча вилоятга келтирилмади.

Умрини тиббиётга бағишлаган

тажрибали шифокор ва ташкилотчи

Яхши шифокор бўлиш учун инсонда туғма истеъдод, кучли қобилият бўлиши керак. Самарқандда бундай шифокорлар жуда кўп. Тажрибали врач ташкилотчи раҳбар Аҳмадҷон Бозоров айнан ана шу таърифга лойиқ инсонлардан.



Аҳмадҷон Бозоров 1951 йил 1 май куни Пайариқ тумани Челек шаҳарчасида туғилган. 1968 йилда тумандаги 25-ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида ўқиган. Кейинчалик институт клиникасининг факультатив терапия бўлимида интернатура ўтади. Бир йил Пайариқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли қишлоқ врачлик участкасида мудир, туман марказий поликлиникасида врач бўлиб ишлади. 1978-1980 йилларда институтнинг госпитал терапия кафедрасида клиник ординатурада ишлаб, илмий иш олиб борди. Клиник ординатура тугат-

гандан сўнг қатор йиллар 1-виллоят шифохонасида врач-гематолог, 2-терапия бўлимида врач-терапевт, бўлим мудирлиги вазифаларида ишлаб, ўзининг ташкилотчилигини намоён қилди. Унинг бу хислати кейинчалик виллоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош терапевти вазифасида ишлаган пайтлари кўл келди. Хизмат юзасидан шаҳар ва туманларга борганида, тиббиёт муассасаларида ишлаган ёш врачларга ўз тажрибаларини ўргатиб, ташкилий-ўқувчи ёрдам кўрсатиб келарди.

А.Бозоров 1996 йилда виллоят марказий бирлашган шифохонаси бош врач этиб тайинланди. Бу даврда шифохонанинг дис-

пансер назоратида турган уруш қатнашчилари, ногиронлар, Чернобыль фалокати иштирокчилари ва бошқаларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш яхшиланди. Шунингдек, 1998 йилда шифохонанинг сув билан даволаш бўлими қурилиб фойдаланишга топширилди.

А.Бозоров 2000-2002 йилларда виллоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлади. 2002 йилдан яна виллоят марказий бирлашган шифохонаси бош врач этиб тайинланди. У шифохонанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, поликлиника ва бўлимларни диагностика, УТТ, экзонцефалоскоп, физиотерапия каби замонавий тиббий асбоб-ўскуналар

билан таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратди.

2009 йилдан бошлаб виллоят ўсимирлар диспансери бош врач бўлган А.Бозоров олий ўқув юрталари ва касб-хунар коллежлари талаба-ёшларининг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, айниқса, ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларга кўрсатилган тиббий хизматни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. Муассасага кам нурланадиган Про Скан-2000 замонавий флюороаппарати ўрнатилиб ишга туширилди. Ўсимирлар диспансери виллоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази таркибига киритилгач, Аҳмадҷон Бозоров диспансер фаолиятини ривожлантиришга эришди.

Бугун 70 ёшни қаршилаган Аҳмадҷон Бозоровнинг газета ва илмий журналларда 50 дан зиёд тадқиқот ишлари chop этилган. У виллоятимиз тиббиёт тарихидан ҳикоя қилувчи ўнга яқин кўлланима ва китоблар муаллифи ҳамдир.

Маматқул АЗИЗОВ, виллоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врач, тиббиёт фанлари доктори.

Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида “Абдулла Орипов издошлари” ҳамда “Ўткир Хошимов асарлари билимдони” танловининг виллоят босқичи ўтказилди.

Абдулла Орипов ва Ўткир Хошимов асарлари билимдонлари аниқланди

Тадбирда танловнинг туман (шаҳар) босқичида голибликни эгаллаган 30 нафардан ортқ 7-11-синф ўқувчилари иштирок этиб, ҳар икки иждоқорнинг ҳаёти ва фаолияти бўйича билимларини ишо ёзиш орқали намоён этди.

Ўқувчиларнинг ижодий ишлари тажрибали она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари томонидан адолатли, холисона баҳоланди.

Танлов якунига кўра, “Абдулла Орипов ижодида Ватан мадҳи” мавзуси

бўйича ўтказилган иншолар танловида Пахтачи туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Махлиё Ўроқова биринчи ўринга муносиб деб топилди. “Ўткир Хошимов асарларида она тимсолининг яратилиши” мавзуси бўйича Самарқанд шаҳридаги 72-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Севиң Носиралиеванинг иншои аъло баҳоланди. Голиблар танловнинг республика босқичида қатнашади.

Абдуқошим ЗИЁДОВ.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2003 йил, июль

Каттақўрғон туманида 11 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 70 та маҳалла, 198 та қишлоқ бўлиб, 2 та қўшма корхона, 10 та кичик корхона, 100 дан ортқ мактаб, 72 та мактабгача тарбия муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Шу давргача 58 та давлат корхоналари ва объектлари давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди ва 38 та акциядорлик жамиятининг улуши сотилди.

“СамКочАвто” қўшма корхонасида йил бошидан буён 1,5 миллион доллар қийматида машиналар хорижга экспорт қилинди.

Виллоят ғаллакорлари давлат оморига 276 минг тонна сара дон етказиб берди.

Ургут шаҳрида эронлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда “SAM NEGIN” Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилди.

август

6 август куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ислон Каримов ҳамроҳлигида Самарқандда бўлди.

Самарқанд туманида саноат индустрия товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 334,9 миллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,4 фоизга ошди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса 1752,1 миллион сўмни ташкил қилиб, 20,2 фоизга ёки 294,5 миллион сўмга кўпайди.

АҚШ Сенатининг Ташқи алоқалар бўйича қўмитаси раиси Ричард Лугар раҳбарлигида делегация Самарқандга келди.

25 август куни Регистон майдонидан “Шарқ тароналари” IV халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросими ўтказилди. Унда қирққа яқин мамлакат санъаткорлари ва меҳмонлар иштирок этди. Фестивал дунёнинг 50 га яқин мамлакатига тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди.

сентябрь

Самарқанд шаҳрида жаҳон андаазларига жағоб берадиган тўрт юлдузли “Президент” меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

Малайзия қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Суражуддин Сайед Путра Жамалуллай Республика ташқи ишлар вазирининг ўринбосари И.Неъматов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

ИЖТИМОЙ ИНВЕСТИЦИЯ – ХАЙРЛИ ВА ФОЙДАЛИ ИШ

Ижтимоий масъулият масалаларида УзБАТ компанияси тажрибасидан

Реклама ҳуқуқи асосида

«Бойлик моҳияти унга эгалик қилишдан кўра кўпроқ фойдаланишди». Ўзбекистон бозорида 1994 йилдан буён ишлаб келаётган “УзБАТ А.О.” қўшма корхонаси фаолиятини Аристотелнинг ушбу сўзларидан яхшироқ ифодалаб бўлмайди.

Бугунги кунда «Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон» бозорда тан олинган етакчи трансмиллий бизнеслардан бири ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётда йирик британ инвесторлари лидерларидан. У доллар эквивалентида ярим миллиард инвестициясига эга компания томонидан ишлаб чиқарилаётган аънавий товарлар, шунингдек, маҳсулотларнинг янги авлоди энг диди баланд истеъмолчилар талабига ҳам жағоб беради ва катта муваффақият қозонган. Ўзбекистон бозорида ўзининг 27 йиллик иштироки давомида компания ўз индустрияси соҳасида нафақат рад этиб бўлмайдиган етакчига, балки мамлакат тараққиётидаги байроқдорлардан бирига айланди.

Ҳозирги вақтда “УзБАТ А.О.” қўшма корхонаси тўғридан-тўғри ва билвосита 10 мингга яқин иш ўрнини сақлаб келмоқда. Улардан 1200 ўз ходимлари, 690 таси фермерлар, 6500 нафари тамакикорлар ва Ўзбек саноатининг тегишли соҳаларидаги 2000 нафар ишчиларидир.

Корхона фақатгина 2020 йилда 1,6 триллион (акция ва ҚҚСиз) сўмлик саноат маҳсулот ишлаб чиқарди ва реализация қилди. Ўзининг маҳсулотлари ва хизматлари экспорти 11,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Давлат бюджетига 2,01 триллион сўм солиқ ва тўловлар ўтказилди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўтган йилларда компания йилномаси нафақат ишлаб чиқаришнинг ўсиши, иқтисодий кўрсаткичлар, янги технологиялар жорий этилиши, мақсадли дастур асосида кадрлар тайёрлаш ва бошқа ютуқлар, балки республика ишчанлик картасида яққол кўзга ташланган корхонага айланди. У ўзининг фаолиятига оддий фуқаролар диққатини жалб этмоқда. Бу компаниянинг жамият ижтимоий ҳаётида фаол иштирокида намоён бўлмоқда. Компанияда жамият олдида бизнеснинг ижтимоий масъулияти масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Улар атроф-муҳитни муҳофаза қилишда узоқ мuddатли бир неча лойиҳалар, биохилма-хиллиқни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ва қишлоқ инфраструктураси, маданий меросни сақлаш ва ёш истеъдодларни кўллаб-қувватлаш каби эзгу ишларни қамраб олган.

Ўзбекистондаги ўз фаолияти давомида компания томонидан турли йўналишларда 250 дан ортқ ижтимоий лойиҳалар амалга оширилди. Таълим, маданият, экология сув ва энергия таъминоти, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича лойиҳалар шулар жумласидандир. Бу лойиҳаларга 400 минг АҚШ доллари миқдоридан маблағ сарфлади.

Таъкидлаш лозим, барча ижтимоий ташаббуслар бутун жаҳонда БАТ компаниясининг ижтимоий инвестициялар дастурига мувофиқ йўналишларда амалга оширилипти. Булар қишлоқ ҳўжалиги ва атроф-муҳит, таълим ва тараққиёт, БАТ ишлаб чиқариш объектлари жойлашган жойларда маҳаллий жамоатчилик ижтимоий аҳволни яхшилаш каби соҳалардир.

Компаниянинг ана шундай йўналишларидан бири қишлоқ ҳўжалигининг сўғориладиган ерлари сифатини яхшилашга қаратилган «Ирригация» лойиҳасидир. Унда ер самардорлигини ошириш, фойдаланиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш кўзда тутилган. Кўп йиллардан буён компания ҳамкорлари билан биргаликда фермер ҳўжалиқларига қарашли сув насосларини таъмирлашни амалга ошириб келмоқда.



Маълумот учун: ушбу лойиҳа бошлангандан буён турли мураккабликларда 26 насос станцияси ва 23 сўғориш скважинаси таъмирланди, 27 км. каналлар қозилди, 16 км.га қувурлар тортилди. Натижада Ургут туманида 2484 гектар ернинг мелеоратив ҳолати яхшиланди, 1,6 минг нафар қишлоқ аҳолисининг бандлиги таъминланди.

Компаниянинг узоқ мuddатли яна бир хайрли лойиҳаси «Ичимлик сув» лойиҳасидир. Ушбу лойиҳанинг асосий вазифаси артезиан кудуқларни таъмирлашдан иборат. Бу борадаги ишлар, қурилиш ва артезиан кудуқларни реконструкция қилишни молиялаштириш орқали Ургут тумани қишлоқ аҳолисининг сув таъминотини яхшилаш кўзда тутилган.

Маълумот учун: ушбу лойиҳа 2007 йилдан буён амал қилади. Ўтган даврда 32 та кудуқ қайта қазилиб, 53 мингдан зиёд қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик сув билан таъминланди.

Ҳозирда лойиҳа доирасида сув ва энергия таъминотини кўллаб-қувватлаш бўйича қишлоқ жойларида кўш батареяси ўрнатиш ва бошқа лойиҳаларини ишлаб чиқиш тарафдорлигида.

Компаниянинг шунингдек, ижтимоий ишларга қаратилган йўналишларидан бири маҳаллий жамоатчиликнинг ижтимоий аҳволни яхшилаш учун инфраструктурани ривожлантиришда уларга

ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Бу йўналиш ўз ичига маданият, ободонлаштириш, мамлакат шаҳарларини янада обод қилиш, маданий меросини сақлаш каби бир қатор лойиҳаларни қамраб олади.

Шу йилнинг бошидан амалга оширилган ёки тайёрланаётган 6 лойиҳа ишлаб чиқилипти. 2021 йил март ойда компания Қорақалпоғистон Республикасидаги И.В.Савицкий номдаги Давлат санъат музейида аудиоид жорий этиш лойиҳасига беғараз ҳомийлик ёрдам кўрсатди.

Аудиогид жорий этилиши сайёҳлик оқимини жалб этишга имкон беради ва республикада музей туризмининг ривожлантириш, кенг жамоатчиликда қизиқиш уйғотиш, мамлакатлар салоҳиятининг кўтаришда муҳим омил бўлади. Бу компаниянинг ушбу музейни кўллаб-қувватлашда биринчи кўмаги эмас. 2015 йилда компаниянинг ҳомийлик кўллаб-қувватлаши билан музей коллекциясидан «Ўз дурдона» танланган асарлар юбилейи альбоми нашрга тайёрланганди.

Компания узоқ йиллардан буён Ургут шаҳридаги маданият ва дам олиш истироҳат боғини қайта қуришни кўллаб-қувватлаб келади. Илгарироқ Самарқанд виллоят ва Ургут туман ҳокимиятлари илтимосларига кўра компания фаввора, амфитеатр,

Т.ШОМУРОВОВ тайёрлади.

Zarafshon
Самарқандский вестник

MUASSIS:
«Zarafshon» va «Самарқандский вестник» gazetalarini tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV
Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 17 150 nusxada chop etildi. Buyurtma 313
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.
Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G. HASANOV.
Navbatchi: X. ERNAZAROVA.
Sahifalovchi: B. ABDULLAYEV.
Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X
9 772010 667009